**ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ:**

(фумигация қилиш)

Зарарсизлантириш далолатномаси N: ______ Берилган санаси: _______

Қўшимча маълумотлар: ______________________________
______________________________

Давлат инспектори: ____________ Имзоси: _______ Берилган вақти: _________

QR Code ”.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон-Тожикистон давлат чегараси орқали айрим ўтказиш пунктларининг фаолиятини қайта тиклаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 февралдаги 133-сон қарорининг 2-бандидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг “Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 апрелдаги 258-сон қарорида:

а) 1-банднинг ўнинчи хатобошиси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 9-банддаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 11-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисида низомнинг 27-банди “11” кичик бандидаги “Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси раҳбарининг топшириғига биноан” сўзлари чиқариб ташлансин.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 405-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш майдонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомда:

9-банддаги “Ҳудудий “Агрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятининг туман филиаллари” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман бўлимлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

11 ва 12-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“11. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман бўлимлари мутахассислари томонидан қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш майдонлари бўйича таҳлилий маълумотлар жамланиб, туманлар қишлоқ хўжалиги бўлимлари, туманлар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига ҳамда вилоятлар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларига (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) тақдим этилади.

12. Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиши прогнози тўғрисидаги маълумотлар ҳудудий бошқармалар томонидан ҳар йили ноябрь ойининг 20-кунигача туманлар бўйича жамланиб Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) тақдим этилади”;

13-банддаги “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти” масъулияти чекланган жамияти” сўзлари “Агентлик, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“16. Агентлик, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти томонидан ҳар йили январь ойининг 15-кунигача қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш

хавфини кузатиш ва бартараф этиш бўйича тавсияномалар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ҳамда ҳудудий бошқармаларга амалиётда фойдаланиш учун юборилади”;

иккинчи хатбошидаги “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти” сўзлари “Агентлик” сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банддаги “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

Низомга иловада:

1-босқич “Масъуллар” устунидаги “Ҳудудий “Агрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятининг туманлар филиаллари” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман бўлимлари” сўзлари билан ҳамда “Амалга ошириладиган ишлар” устунидаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий “Агрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятларига” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-босқич “Масъуллар” устунидаги “Ҳудудий “Агрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятлари” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари” сўзлари билан ҳамда “Амалга ошириладиган ишлар” устунидаги “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятига” сўзлари “Агентликка” сўзи билан алмаштирилсин;

3-босқич “Масъуллар” устунидаги “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти” масъулияти чекланган жамияти” сўзлари “Агентлик, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-босқич “Масъуллар” устунидаги “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти” масъулияти чекланган жамияти” сўзлари “Агентлик, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти” сўзлари билан ҳамда “Амалга ошириладиган ишлар” устунидаги “ҳудудий “Агрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятларига” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларига” сўзлари билан ва “Агрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати инспекторларининг формали кийим-бошлари намуналарини ва фарқлаш белгиларини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 28 июндаги 489-сон қарорида:

ҚММБ: 09/21/752/1166-сон
16.12.2021 й.



а) 2-банддаги “Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати инспекторларининг” сўзлари “Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг” сўзалари билан алмаштирилсин;

б) илованинг рус тилидаги матнида (образцы и описание форменной одежды и знаков различия инспекторов государственной службы по карантину растений):

илованинг номидаги “инспекторов государственной службы по карантину растений” сўзлари “государственных инспекторов Агентства по карантину ”
и защите растений Республики Узбекистан” сўзлари билан алмаштирилсин;

фарқлаш белгилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:




“VI. Знаки различия форменной одежды” бўлимида:

2-банднинг учинчи хатбошидаги “VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI O‘SIMLIKLAR KARANTINI DAVLAT INSPEKSIYASI” сўзлари “O‘SIMLIKLAR KARANTINI VA HIMOYASI AGENTLIGI” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг учинчи хатбошидаги “O‘SIMLIKLAR KARANTINI DAVLAT INSPEKSIYASI” сўзлари “O‘SIMLIKLAR KARANTINI VA HIMOYASI AGENTLIGI” сўзлари билан алмаштирилсин.

**17.** Вазирлар Маҳкамасининг “Самарқанд вилоятида соя етиштириш соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 июлдаги 506-сон қарорига 3-иловада:

ҚММБ: 09/21/752/1166-сон
16.12.2021 й.



7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | | | |
|---|---|---|---|
| “ 7 | Лавозими бўйича | - | Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бош директори ”; |

8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**18.** Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 10 августдаги 645-сон қарорининг 5-банди биринчи хатбошидаги “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ,” сўзлари чиқариб ташлансин.

**19.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўсимликлар клиникалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида” 2018 йил 15 сентябрдаги 734-сон қарорида:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади)” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига (кейинги ўринларда –Агентлик)” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Инспекцияга” сўзи “Агентликка” сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “Инспекция” сўзи “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

б) иловада (Ўсимликлар клиникалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом):

2-бандда:

учинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади)” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги)” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Давлат-хусусий шерикликка номзодларни танлаш бўйича комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтининг вакилларидан иборат таркибда, ушбу Низомда назарда тутилган тартибда хусусий шерикларга номзодларни танлаб олиш учун тузиладиган орган”;

матндаги тегишли келишикдаги “Инспекция” сўзи тегишли келишикдаги “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзи билан алмаштирилсин;

9-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“9. Таркибига Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Агентлик, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти вакиллари кирадиган Комиссия камида иккита иштирокчидан аризалар тушганда танлов ўтказади”;

иккинчи хатбошидаги “Инспекция бошлиғининг” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бош директорининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Ўсимликлар карантини бўйича ҳудудий инспекция” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ҳудудий бошқармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

54-банддаги “ҳудудий инспекцияларга” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ҳудудий бошқармаларига” сўзлари билан алмаштирилсин.

**20**. Вазирлар Маҳкамасининг “Интеграциялашган тариф” интерактив хизматини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 16 октябрдаги 829-сон қарорига 2-илова 18, 19 ва 20-позицияларининг “Ваколатли органнинг номи” устунидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**21.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги 300-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси тўғрисидаги низомнинг 20-бандидаги “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**22.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 апрелдаги 348-сон қарори билан тасдиқланган Инсонлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф муҳит учун хавфли ва сифатсиз бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфи мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**23.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 майдаги 390-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тўғрисидаги низом 12-бандининг “б” кичик банди олтинчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини

давлат инспекцияси” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**24.** Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент кимё-технология институтининг Шаҳрисабз филиалини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 11 июндаги 489-сон қарори 16-бандининг биринчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**25.** Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг агрокимёвий таҳлил тизимини такомиллаштириш, экин ерларида тупроқнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 июндаги 510-сон қарорида:

а) 2-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“2. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 14 мартдаги ПҚ–4239-сон қарорига мувофиқ 2022 йилдан бошлаб суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари тупроғини ҳар йили умумий майдоннинг камида 25 фоизи ҳисобидан келиб чиқиб таҳлил қилиш ва агрокимёвий картограммаларни ишлаб чиқиш”;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“3. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сув ва ўсимлик таркибидаги минерал ва органик ўғитларнинг кимёвий таҳлилини ўтказиш имконини берувчи махсус замонавий стационар ва кўчма лабораториялар ташкил этилишини таъминласин”;

5-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ва “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти билан биргаликда:”;

6 ва 7-бандлардаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада (Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом):

ҚММБ: 09/21/752/1166-сон
16.12.2021 й.



4-банддаги “Давергеодезкадастр” қўмитасининг Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тизимидаги Республика агрокимёвий таҳлил маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-бандда:

биринчи хатбошидаги “буюртмачиси – “Давергеодезкадастр” қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги” сўзлари “ўтказувчиси – Республика агрокимёвий таҳлил маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “бажарувчи” сўзи “ердан фойдаланувчилар” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги “ер кадастри ҳужжатларига” сўзлари “электрон ахборот тизимига” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг иккинчи хатбошидаги “беш” сўзи “тўрт” сўзи билан алмаштирилсин;

9-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“9. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказувчи Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан тасдиқланган техник топшириққа асосан ушбу ишларни ўтказиш учун тегишли шартномани тузади”;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“18. Қишлоқ хўжалик экинларига минерал ўғитлар киритилган далалардан бирлаштирилган тупроқ намуналарини олиш ишлари минерал ўғит киритилгандан 45 кундан кейин амалга оширилади.”;

20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“20. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш тарҳи тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказишда, ер участкаси контурлари чегараси ва ишчи майдончалар чегараларини туширишда асос бўлиб хизмат қилади”;

21-бандга “тупроқ намуналарини олиш” сўзларидан кейин “конверт ёки” сўзлари қўшилсин;

36-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“36. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили натижалари ердан фойдаланувчиларга юк хатлари орқали топширилади”;

37-банддаги “туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиқлари” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман бўлими бошлиқлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга иловада (Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини амалга ошириш тартиби схемаси):

1) I босқич позициясида:

“Ижрочилар” устунидаги “Давергеодезкадастр” қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (буюртмачи)” сўзлари “Республика агрокимёвий таҳлил маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Тадбирлар” устунининг учинчи хатбошисидаги “бажарувчи билан шартнома тузади” сўзлари “ва ердан фойдаланувчилар билан шартнома тузади” сўзлари билан ва олтинчи хатбошидаги “ер кадастри ҳужжатларига киритилишини таъминлайди” сўзлари “электрон ахборот тизимига киритади” сўзлари билан алмаштирилсин;

2) III босқич позициясида:

“Ижрочилар” устунидаги “Давергеодезкадастр” қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (буюртмачи)” сўзлари “Республика агрокимёвий таҳлил маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Тадбирлар” устунидаги “беш” сўзи “тўрт” сўзи билан алмаштирилсин;

“Бажариш муддатлари” устунидаги “беш” сўзи “тўрт” сўзи билан алмаштирилсин;

3) IV босқич позициясида:

“Ижрочилар” устунидаги “Давергеодезкадастр” қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (буюртмачи)” сўзлари “Республика агрокимёвий таҳлил маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Тадбирлар” устунидаги “вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва унинг туман бўлимларига, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда унинг туман бўлимларига” сўзлари “ердан фойдаланувчиларга” сўзлари билан алмаштирилсин;

4) V босқич позицияси “Тадбирлар” устунидаги “туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман бўлими” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 9-позицияси “Масъуллар” устунидаги “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**26.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги 99-сон қарори билан тасдиқланган Фитосанитар хавфни таҳлил қилиш, фитосанитария чораларини қўллаш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

3-банддаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади)” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)” сўзлари билан алмаштирилсин;

матндаги тегишли келишикдаги “Инспекция” сўзи тегишли келишикдаги “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

13-банддаги “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти,” сўзлари чиқариб ташлансин.

**27.** Вазирлар Маҳкамасининг “Агросаноат мажмуи учун захира кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизиминн янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 мартдаги 172-сон қарорига 3-илованинг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“4. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги”.

**28.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 мартдаги 175-сон қарори билан тасдиқланган Ваколатли органларнинг мева-сабзавотлар, тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш учун зарур рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисида низомда:

2-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-илованинг 1-босқич “Масъул ижрочилар” устунидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**29.** Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари турларининг миллий генбанкини яратиш тўғрисида” 2020 йил 13 майдаги 282-сон қарорининг 14-бандидаги “Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**30.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 26 августдаги 515-сон қарорига 2-илова “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” бўлимининг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ўзбекситон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги”.

**31.** Вазирлар Маҳкамасининг “Зарарли организмлардан холи ҳудудлар ва зарарли организмлар миқдори кам бўлган ҳудудларни белгилаш тартиби тўғрисидаги ҳамда Ўсимликлар карантини объектини йўқ қилиш ва унинг ўчоғини бартараф этиш дастурини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 6 ноябрдаги 695-сон қарорида:

а) 1-иловада (Зарарли организмлардан холи ҳудудлар ва зарарли организмлар миқдори кам бўлган ҳудудларни белгилаш тартиби тўғрисидаги низом):

2-банднинг еттинчи хатбошисига “Ўсимликлар карантини” сўзларидан кейин “ва ҳимояси” сўзлари қўшилсин;

3-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” (кейинги ўринларда – “Ўздавкарантин” инспекцияси) сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)” сўзлари билан алмаштирилсин;

матндаги тегишли келишикдаги “Ўздавкарантин” инспекцияси” сўзлари тегишли келишикдаги “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада (Ўсимликлар карантини объектини йўқ қилиш ва унинг ўчоғини бартараф этиш дастурини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом):

3-банднинг биринчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” (кейинги ўринларда – “Ўздавкарантин” инспекцияси) сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)” сўзлари билан алмаштирилсин;

матндаги тегишли келишикдаги “Ўздавкарантин” инспекцияси” сўзлари тегишли келишикдаги “Агентлик” сўзлари билан алмаштирилсин.

**32.** Вазирлар Маҳкамасининг “Органик маҳсулотлар ва хомашёлар ҳамда органик-минерал ўғитларнинг хавфсизлигига доир айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 18 ноябрдаги 729-сон қарорининг 4-бандидаги “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**33.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 декабрдаги 765-сон қарори билан тасдиқланган Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомда:

2-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“5. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) қарорига асосан берилади”;

матндаги тегишли келишикдаги “Давлат кимё комиссияси” сўзлари тегишли келишикдаги “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

26-банддаги “Давлат кимё комиссияси ишчи органига” сўзлари “Агентликка” сўзи билан алмаштирилсин;

28-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

29-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

ҚММБ: 09/21/752/1166-сон
16.12.2021 й.



“29. Агентлик ариза берувчиларга мазкур Низомга 10-иловада келтирилган намунадаги рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳномани расмийлаштиради ва беради (ёки юборади)”;

32-банддаги “Давлат кимё комиссияси ишчи органи” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

47-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Давлат кимё комиссияси ишчи органи” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

50-банддаги “Ишчи орган” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

Низомга 1-иловада:

1-босқич “Тадбирлар” устунидаги “Давлат кимё комиссиясининг Ишчи органига” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-босқич “Субъектлар” устунидаги “Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссиясининг Ишчи органи” сўлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-босқич “Субъектлар” устунидаги “Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссиясининг Ишчи органи” сўлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан “Тадбирлар” устунидаги “Давлат кимё комиссияси” сўзалри “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

7 ва 8-босқичларнинг “Субъектлар” устунидаги “Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссиясининг Ишчи органи” сўлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 8-илованинг 12-позициясидаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё комиссиясининг қарорига асосан Ишчи органи” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 10-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ АГЕНТЛИГИ

АГЕНТСТВА ПО КАРАНТИНУ И ЗАЩИТЕ РАСТЕНИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КИМЁВИЙ ВА БИОЛОГИК ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА МИНЕРАЛ ВА МИКРОБИОЛОГИК ЎҒИТЛАРНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ БЎЙИЧА СИНОВЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ**

**РЎЙХАТГА ОЛИНГАНЛИК ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА**
**№__________**

20____ ________ ________ Тошкент ш.
(сана)

Гувоҳнома берилган тадбиркорлик субъекти номи ______________________________

Савдо номи, концентрацияси, препарат шакли, таъсир этувчи модда ______________________________

Қўллаш доираси ______________________________

Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасининг

рўйхатга олинганлик рақами ва санаси ______________________________

Гувоҳноманинг амал қилиш муддати ______________________________

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари (М.Ў.) (имзо) Ф.И.О. ”.

**34.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 17 декабрдаги 794-сон қарорига 5-илованинг 6-позицияси “Маълумотни тақдим қилувчи идоралар” устунидаги “Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**35.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 22 январдаги 32-сон қарорига 1-иловада (Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидага низом):

2-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати тизими – Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва

ҚММБ: 09/21/752/1166-сон
16.12.2021 й.



Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти";

4-банддаги "Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция)" сўзлари "Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)" сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"5. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда – туман бўлимлари) томонидан юритилади";

6-банднинг иккинчи хатбошидаги "Инспекция" сўзи "Агентлик" сўзи билан алмаштирилсин;

9-банднинг олтинчи хатбошидаги "ҳудудий инспекциялар" сўзлари "ҳудудий бошқармалар ва туман бўлимлари" сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг саккизинчи ва тўққизинчи хатбошиларидаги "Инспекция" сўзи "Агентлик" сўзи билан алмаштирилсин;

32-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"32. Ўрнатилган карантин чекловлари Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман бўлимлари томонидан назоратга олинади";

Низомга иловада (Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш схемаси) 1 ва 2-босқичлар "Масъуллар" устунидаги "Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари" сўзлари "Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари" сўзлари билан, 2-босқич "Тадбирлар" устунидаги "инспекция" сўзи "Агентлик" сўзи билан алмаштирилсин.

**36.** Вазирлар Маҳкам асининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларни тизимлаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 26 февралдаги 110-сон қарорига илованинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| " | 8. | Лавозими бўйича | - | Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бош директори ". |

**37.** Вазирлар Маҳкамасининг "Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида" 2021 йил 4 мартдаги 121-сон қарорида:

6-банддаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:”.

**38.** Вазирлар Маҳкамасининг “Чорвоқ сув омбори атрофидаги тоғ ва тоғ олди ҳудудларда ўсимлик қопламининг қисқаришини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 августдаги 499-сон қарорида:

1-илованинг 3-позицияси “Масъул ижрочилар” устунидаги “Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг 4-позицияси “Илмий-тадқиқот натижаларининг истеъмолчиси” устунидаги “Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” сўзлари “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

ҚММБ: 09/21/752/1166-сон
16.12.2021 й.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 1

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 15 декабрдаги 752-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2001 йил 1 февралдаги 63-сон қарори.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида" 2017 йил 13 мартдаги 131-сон қарорига 1-илованинг 2-банди.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 2019 йил 13 майдаги 397-сон қарорига илованинг 81-банди.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг "Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 5 сентябрдаги 735-сон қарори.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида" 2019 йил 19 декабрдаги 1014-сон қарорига илованинг 9-банди.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида" 2020 йил 26 июндаги 411-сон қарорига 1-илованинг 30-банди.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2021 йил 22 январдаги 32-сон қарорига 2-илованинг 3-банди.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" 2021 йил 15 мартдаги 136-сон қарорига илованинг 2-банди.

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 2021 йил 4 майдаги 274-сон қарорига илованинг 12-банди.